



ҚАШҚАДАРЁДА МИЛЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМ ЯРАТИЛИБ, САНОАТ РИВОЖЛАНИШИ ЯНАДА ЮКСАЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пандемия шароитига қарамай, иқтисодиётни тиклаш ва ривожлантириш, одамлар ҳаётини яхшилаш борасидаги ишлар билан танишиш мақсадида 12 ноябрь куни Қашқадарёга келди.

Давлат раҳбари вилоятга сафари-ни Шахрисабз туманидаги “Oqsaroy Vortex” масъулияти чекланган жамиятда синтетик аралашмали ип ва мато ишлаб чиқариш жараёни билан танишишдан бошлади.

Бу ерда “Oqsaroy Group” компанияси таркибига кирувчи “Oqsaroy Textile” ва “Oqsaroy Vortex” корхоналари ташкил этилган бўлиб, уларда умумий қиймати 54 миллион долларлик 3 та лойиҳани босқичма-босқич амалга ошириш белгиланган эди. Бунинг натижасида 1 минг 630 та иш ўрни яратиш, йилига 22 миллион АҚШ долларлик тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш кўзда тутилган.

Биринчи босқичда 2014 йили “NBU

инвест” компаниясидан “Oqsaroy Textile” корхонасининг 21 миллион АҚШ долларлик 100 фоиз улуши сотиб олинди, модернизация ишлари натижасида бу ерда йилига 9 минг тонна ип-калава, 4 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди.

Ушбу корхонада ўтган йили 6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 8 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Иккинчи босқичда шу йил октябр ойида “Oqsaroy Vortex” корхонаси фаолият бошлаб, сунъий ва табиий толадан калава ип ва трикотаж мато ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилди. Лойиҳа қиймати — 15

миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, йилига 3 минг тонна калава ип, 5,5 минг тонна сунъий толали ип, 3,5 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш қувватига эга. Экспорт ҳажми йилига 7 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Учинчи босқичда ушбу корхоналар ёнида яна битта тўқимачилик фабрикаси барпо этилиб, калава ип ва трикотаж мато ишлаб чиқариш кенгайтириш режалаштирилган. Қиймати 18 миллион АҚШ доллари бўлган бу лойиҳа натижасида йилига 7 минг тонна калава ип, 2,1 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқаришга эришилади. Келаси йил ишга тушадиган лойиҳа натижасида 700 та янги иш ўрни яратилади.

Президент корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнларини, калава ип ва тайёр мато намуналарини кўздан кечирди.

Корхонанинг аъъанавий ип-йигирув фабрикаларидан асосий фарқи — бу ерда Япониянинг “Muratex” компаниясида ишлаб чиқарилган Vortex технологик ускуналари ўрнатилган. Мазкур технологиянинг афзаллиги калава ип тўқиладиганда тола марказлашган аэродинамик ҳаво босими орқали ўтказилади. Натижада ипнинг тукдорлиги камаяди, сифати ортади.

Давлатимиз раҳбари соҳанинг иқтисодий жиҳатига эътибор қаратди. Шу нуқтаи назардан, тўқимачилик саноатига оид лойиҳаларни уч

йўналишда ташкил этиш кераклигини таъкидлади.

Биринчидан, Қашқадарёнинг пахта етиштириладиган саккизта туманида “Oqsaroy Vortex” намунасидаги тўқимачилик корхоналарини ташкил этиш, уларни барпо этишда арзон конструкцияли материаллардан фойдаланиш бўйича топшириқ берилди.

— Иккинчидан, барча кластерларни кооперация қилиб, сунъий тола ишлаб чиқариш бўйича битта алоҳида лойиҳа қилиш керак. Учинчидан, ёғочдан табиий тола — вискоза ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лозим, — деди Президент.

— Бу миллий-иқтисодий тизим бўлади. Мана шу билан биз Қашқадарё вилоятини тўқимачилик лойиҳалари билан тўла қамраб оламиз. Таннархни арзон қилиб, саккизта корхонани ишга туширсак, қўшимча қиймат билан кўплаб иш жойлари яратишга эришамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Хомашёдан — тайёр маҳсулотгача тамайили асосида вилоятда тўқимачилик саноатини ривожлантириш, бунинг учун таниқли хорижий брендларни жалб этиш, кластерлар фаолиятини таҳлил этиб бориш юзасидан вазифалар белгиланди.

Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудидан ўн гектар ер ажратиб, “Oqsaroy Group” компанияси негизда тўқимачилик технопарки ташкил этиш ва маҳсулотларнинг онлайн савдосини йўлга қўйиш кераклиги таъкидланди.

Ўзбекистондаги барча текстиль ишлаб чиқарувчилар бир жойга жамланадиган мазкур технопаркда уларнинг дўконлари ва омборлари бўлади. Технопарк биринчи навбатда ишлаб чиқарувчиларга экспорт масаласига кўмаклашади.

Шу ерининг ўзида Қашқадарё вилоятида 2020-2022 йилларда амалга ошириладиган инвестиция режалари, пахта толасини қайта ишлаш даражасини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳридаги Давлат хизматлари маркази ва IT-технопарк фаолиятини кўздан кечирди.

Айни пайт Давлат хизматлари маркази орқали аҳолига 140 дан зиёд хизматлар кўрсатилмоқда. Бу ерда электрон навбат тизими жорий

қилинган, махсус инфокиосклар, электрон аукционда иштирок этиш учун махсус жой, инвесторлар ва тадбиркорлар билан бизнес-учрашувлар ўтказишга мўлжалланган хона мавжуд. Шунингдек, анжуман ва семинарлар учун конференц зал, буфет, кутубхона ва болалар майдончаси ташкил этилган.

Тўловларни амалга ошириш учун банк кассаси, банкоматлар ишлаб турибди. Бу ерда яна нотариус, ФХДЁ бўлими, сўғурта ташкилоти филиаллари фаолият кўрсатади. Халқ қабулхонаси ва Бош вазир қабулхонасида фуқароларнинг шикоятлари кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, Тошкентда синнов тарзида йўлга қўйилган “Surdo-online” платформаси илк бор Қарши шаҳрида ўрнатилди. Ушбу тизим имконияти чекланган шахсларга давлат хизматларидан чекланмаган тарзда, қулай ва тезкор фойдаланишда ёрдам беради. Ушбу платформа орқали сурдо таржимонлик мутахассислигига эга ёшлар иш билан таъминланмоқда.

Ушбу марказ орқали бугунга қадар 300 мингдан зиёд давлат хизматлари кўрсатилган бўлиб, 2 мингга яқини филиаллар орқали, мингга яқини эса сайёр тарзда амалга оширилди. Бир кунда муассаса ходимлари 700-800 нафар фуқарога хизмат кўрсатади. Тезкор интернет, замонавий техник воситалар ва кутиш зали фуқароларга қулай давлат хизматларини тақдим этишга мўлжалланган.

Президент марказдаги шароит билан танишди. Одамлар талабидан келиб чиқиб, янги хизмат турларини йўлга қўйиш, аҳолига қулайлик яратиш бўйича топшириқлар берди. Хусусан, Қарши шаҳридаги маҳаллаларда давлат хизматларини ташкил этиш кераклиги алоҳида таъкидланди.

— Одамлар бу марказга эмас, аксинча марказ маҳаллаларга кириб бориб давлат хизматларини жойида кўрсатсин. Шунда бу марказларни ташкил этишдан кўзлаган мақсадга эришилади, қайси соҳаларда хизматларга эҳтиёж борлиги аён бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давоми 2-бетда

Муносабат

ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ДАСТУР

Бахитжон ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар
Кенгаши Раиси ўринбосари — инвестиция ва
ташқи савдо вазири

Президентимиз раҳбарлигида Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида Оролбўйи аҳолиси тараққиётга хизмат қиладиган кўплаб масалалар кўтарилди. Давлатимиз раҳбари шу йил 2 октябрь куни Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида қатор вазифаларни белгилаб берган эди. Шу вазифалар асосида Қорақалпоғистон Республикасини 2020-2023 йилларда комплекс ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Дастурга мувофиқ, ривожланишдан ортда қолиб кетадиган Тахтақўпир, Бўзатов, Шуманай туманлари ва шароити оғир 45 та маҳаллада саноат ҳамда хизмат кўрсатиш йўналишида янги ташкил этилган корхоналар ҳам имтиёзларга эга бўлмоқда.

Давоми 3-бетда

Янги Ўзбекистон — дунё нигоҳида

Александр РАР: ЎЗБЕКИСТОН ЕВРОПА ВА ОСИЁНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИДА, ШУНИНГДЕК, ЯНГИ ИПАК ЙўЛИДА МУҲИМ МАВҚЕГА ЭГА

Германиялик сиёсатшунос Александр Рар «Дунё» АА мухбирига берган эксклюзив интервьюсида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг жаҳон сиёсатидаги ўрни ва роли, шунингдек, Ўзбекистоннинг ташкилот доирасида илгари сурган ташаббуслари ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

— ШХТ жуда нуфузли ташкилот, — деди эксперт. — Менинг назаримда, у янги дунё тартиботини яратишда алоҳида мавқега эга ҳамда ушбу жараён кун тартибидан айнан Осий ва Евроосий масалалари асосий бўлади. Осий Европага тараққиёт даражаси билан етиб олаётгани, ўз хавфсизлик тизими, формулари ва қўшма корпоратив тузилмаларини яратадигани шундан далолат бермоқда. Мазкур тузилмалар, авваламбор, ШХТ каби қудратли ташкилот атрофида бирлашмоқда.

Давоми 3-бетда

Ислохотлар самараси

Нурафшон мамлакатда шаҳарсозлик бўйича янги тажриба майдони бўлмоқда. Бу ердаги шарт-шароит, ижтимоий соҳа объектлари Тошкентдагидан кам бўлмаслиги, аксинча, рақобатлашадиган бўлиши керак. Албатта, бунинг учун ҳар бир лойиҳани пухта ишлаш, узокни кўзлаб иш туттиш керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

НУРГА ИНТИЛАЁТГАН НУРАФШОН

Мамлакатимизнинг йирик саноат марказларидан бири — Тошкент вилоятида тарихий янгиланиш жараёнлари шиддат билан кечмоқдаки, бу ислохотлар ободлик ва фаровонликнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилаётир. Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган медиа-тур Нурафшон шаҳри ва Қуйи Чирчиқ туманларидаги бунёдкорлик жараёнлари, аҳолига яратилаётган қулайликлар, амалга оширилаётган салмоқли ишларнинг самарасини ўз кўзимиз билан кўриш имконини берди. Мамлакатимизда Тошкент вилояти аҳоли сони жиҳатидан бешинчи, ҳудуди бўйича саккизинчи, саноат ишлаб чиқариш соҳасида иккинчи, ялпи ҳудудий ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўналишида учинчи ўринни эгаллайди. 2017 йилдан буён Тошкент вилоятининг маъмурий маркази Нурафшон шаҳри хисобланади.



Давоми 4-бетда

ҚАШҚАДАРЁДА МИЛЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМ ЯРАТИЛИБ, САНОАТ РИВОЖЛАНИШИ ЯНАДА ЮКСАЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунда IT-технопаркда 15 нафар ёш веб-дизайнер, дастурчи ва робототехник фаолият бошлаган. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ёш дастурчиларни тайёрлаш курслари ташкил этилгани натижада ахборот технологияларига қизиқувчи ёшларга дастурий маҳсулотлар яратишда қулайлик яратилди.

Илк ютуқларга ҳам эришилди. Талабалар ўртасида ўтказилган “mGovAward” энг яхши давлат мобил иловасини ишлаб чиқиш бўйича танловда қашқадарёлик ёшлар жамоаси ғолиб бўлди. Улар яратган чет тилларини масофавий ўқитиш мобил иловасини такомиллаштириш учун 50 минг АҚШ доллари мукофот ажратилди.

Президентимиз технопаркда ёшларга қулай муҳит яратиш, бу ерга келаётган ёшлар сафини кенгайтириш бўйича тақлифлар берди. Вилоятдаги олий таълим муассасалари ва IT-технопарклар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича вазифалар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳрида қашқадарёлик ўқитувчи ва мураббийлар, тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашди.

Маълумки, 30 октябрь куни таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, 6 ноябрда эса соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинини тубдан ўзгартириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилишлари ўтказилган эди. Бу икки соҳа бўйича Президентнинг алоҳида фармон ва қарори ҳам қабул қилинди.

Учрашувда таълим ва тиббиёт соҳаларидаги ислохотларнинг аҳамияти, жойларда амалга ошириш чоралари ҳақида сўз борди.

— Бу икки соҳани ривожлантирмасдан туриб рақобатбардош мамлакат бўла олмаймиз. Келажакни соғлом миллат, билим-

ли авлод қуради, — деди Шавкат Мирзиёев. Қайд этиш жоизки, Қашқадарёда мактаблар аҳоли ҳам, тиббий хизмат сифати ҳам қониқарсиз. Муаммолар жуда кўп. Ота-оналар таълим тизимидан норози. Аксарият аҳолининг турмуш тарзи, овқатланиш рационали тўғри эмас. Шу боис бу соҳаларда бошланган ислохотлар виллоят учун ўта муҳим ва зарур.

Шавкат Мирзиёев бу борадаги янги иш тизимидан мақсади, педагог ва шифокорлардан кутаётганлари ҳақида кўнглидаги гапларни айтди. Мактаб директорлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимларининг фикр-мулоҳазаларини эшитиб, тақлифларини қўллаб-қувватлади.

— Таълимдаги ишлар ҳам, тиббиётдаги ҳам игна билан қудук қазихдек гап, натижаси тез кўринмайди. Бунинг учун машаққатли меҳнат, катта фидойилик керак. Бошланган ислохотларнинг амалга ошиши, халқимизнинг рози бўлиши шунга боғлиқ. Бу йўлда сизларга ишонаман, суянаман, — деди Президент.

Президент Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳрида очилган Корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникасини бориб кўрди.

Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобатни ривожлантириш — сифат, унумдорлик ва тараққиётнинг муҳим омили. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 27 октябрь куни қабул қилинган “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони шу мақсадга қаратилган.

Ушбу масала бўйича 28 октябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари бу борада аҳолига батафсил маълумот берадиган маслаҳат клиникалари ҳамда колл-марказ ташкил этиш зарурлигини таъкидлаган эди. Шунга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси,

Тошкент шаҳри ва барча виллоятларда Корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникалари очилди. Шунингдек, куну тун ишлайдиган 1082 рақамли колл-марказ йўлга қўйилди.

Мазкур клиникалар Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари томонидан бошқарилади. Уларнинг фаолиятида Савдо-саноат палатаси, Бош вазир қабулхонаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ва ҳокимлик вакиллари доимий иштирок этади. Бундан ташқари, сўровга асосан бошқа вазирлик ва идоралар, тижорат банклари ходимлари ҳам жалб этилиши мумкин.

Қарши шаҳридаги бундай клиникада иқтисодий-молиявий ва юридик маслаҳатлар бериш, информацион хизматлар кўрсатиш учун барча шароит яратилган. Малакали мутахассислар бириктирилиб, инфооосклар ўрнатилган. Бу ерда хусусийлаштиришга қўйилган объектлар, уларнинг манзили, ҳолати, соҳадаги тартиб-қоидалар ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин.

Клиника биносиди Қашқадарёдаги ийрик корхоналар ва тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг доимий кўргазмаси ҳам ташкил этилган. Мажлислар зали, музокара хоналари, экспортерлар уюмаси ва ўқув марказлари жойлаштирилган.

— Хусусийлаштириш — қўшимча қиймат ва ишчи жойлар яратадиган муҳим масала. Ҳар бир объектнинг эгасини топиб, ишни йўлга қўйиб юбориш керак. Бу эса тадбиркорга имконият, маҳаллий бюджетга тушум, — деди давлат раҳбари.

Шу ерда Шаҳрисабз, Ғузор, Нишон ва Деҳқонобод туманларини ривожлантиришнинг “Ўсиш нуқталари” бўйича тақдирот ўтказилди.

Масалан, 2015 йилда Нишон тумани

маҳаллий бюджетда умуман маблағ қолмас эди. Ҳокимларга қўшимча маблағлар тушириш ва ишлатиш имконияти берилгач, ушбу ҳудуд иқтисодиёти ҳам ривожлана бошлади. Жорий йилнинг 9 ойида Нишон тумани бюджетига 6 миллиард сўм қўшимча маблағ тушди. Тўртинчи чорада яна 4 миллиард бўлиши кўтилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу тизимда ишларни давом эттириб, ҳар бир ҳудуднинг “Ўсиш нуқталари”ни ишга солиб, қўшимча маблағлар ҳисобидан ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, уйлар, йўллар қуриш, кам таъминланган оилаларга кўмаклашиш зарурлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб, шароитларни кўздан кечирди.

Шу ерда қашқадарёлик ёшлар билан учрашув ўтказилди.

— Мен сизларнинг кўзларингизга қараб, очиқ мулоқот қилгани келдим. Ҳамма ёшлар билан кўришишни хоҳлардим, лекин, афсуски, бунинг иложи йўқ. Сиз уларнинг вакиллари ўрнида жойлардаги муаммоларни, ёшлар истакларини айтишингизни истардим. Шунинг учун кўрқмасдан, ўз ота-оналарингизга нима дейишни хоҳласаларингиз, ҳамма фикрларингизни бемалол айтинглар, — деди давлат раҳбари.

Учрашувда ёшлар муаммоларини ҳал қилиш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича очиқ мулоқот бўлди.

Қашқадарё виллоятда 26 мингдан зиёд ёшлар ишсиз, тадбиркорлик ривожини мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан анча пастда экани қайд этилди.

Йигит-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, “Ёшлар — келажакимиз” давлат дастури доирасида йиллик режага қўшимча маблағ ажратиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари мубораклик ёшларнинг тақлифини қаноатлантириб, туманда IT-парк ташкил этиш, электрон тижорат ва дастурлаш кўникмаларини бепул ўргатиш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берди.

Китоб туманидаги 150 ўринли Болалар мусиқа ва санъат мактабида 310 нафар ўқувчи тахсил олмоқда. Мазкур муассаса ўқувчилари учун етарли шароит яратиш вазифаси қўйилди.

Вилоят ёшларининг спортга қизиқишини инobatга олиб, мактабларда спорт заллари қуриш, мажмуаларда тўғаракларни кўпайтириш зарурлиги айтилди. Инвентарлар ва анжомлар сотиб олиш учун Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳисобидан 10 миллиард сўм ажратишга кўрсатма берилди.

Яқинда Сербияда бўлиб ўтган самбо бўйича жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси Мушарраф Ибодуллоева давлат гранти асосида ўқишга ўтказиладиган бўлди.


Учрашувда турли соҳаларда ўқиётган ва ишлаётган ёшларнинг фикрлари эшитилди. Тақлифлари маъқулланиб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

— Мендан энг катта мақсад-муддаонинг, бахтинг нима, деб сўрасаларингиз, шундай деган бўлардим: ёшларимизнинг дунёқарашини жаҳон даражасига кўтариш, ишли қилиш, ғурур-ифтихорини юксалтириш, оилавий бахтини кўриш, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё виллоятга ташрифи давом этмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари

Интервью



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг виллоятларга ташрифини халқимиз интиқлик билан кутади. Чунки ҳар бир ташриф чоғида янги лойиҳалар муҳокама қилинади, одамларни рози қилишга, фаровон турмушни таъминлашга доир чора-тадбирлар белгиланади, истиқболли ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилади. Давлатимиз раҳбарининг Қашқадарё виллоятига бу галги ташрифи ҳам ана шундай лойиҳа ва ташаббусларни амалиётга жорий этишни янги босқичга кўтаради, ислохотларни жадаллаштиради.



Даврон ВАХОБОВ,
Шаҳрисабз шаҳридаги
“Qqsaryo Vortex” МЧЖ
таъсисчиси:

— Президентимиз тадбиркорларга катта имкониятлар яратиб бермоқда. Айниқса, кластерлар фаолиятига кенг йўл очиб берилаётгани эътиборга молик. Бу тизимнинг самарали жиҳатлари кўп. Биз ҳам амалдаги имкониятлардан фойдаланиб, кластер асосида синтетик аралашмани ип ва мато ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ишимизнинг нозик жиҳатлари, сиру асрорлари ҳам бор. Сунъий толадан ип-калавая олиш, мато ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотни бўяш каби ишларда Япониянинг Morigata компаниясида ишлаб чиқарил-

ган Vortex технологик ускуналаридан фойдаланамиз. Бу технология ипнинг туқдорлигини камайтириб беради. Сифати ҳам яхшиланади. Хомашё йилнинг исталган вақтида топилади.

Бугун давлатимиз раҳбари фаолиятимиз билан танишди, маҳсулотларимизни кўздан кечирди. Янги гоёлар берди, тақлифларини айтди. Жумладан, бу каби корхоналарни кўпайтириш, замонавий ва тежамкор ишлаб чиқариш механизмини жорий этиш, сув сарфини камайтириш ҳақида асосли фикрлар билдирди.

Президентимизнинг энгил саноат йўналишида Тошкент виллоятда Технопарк ташкил қилиш ташаббуси ҳам жуда муҳим. Бу ишни амалга оширсак, шу ернинг ўзидан тайёр маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш имкони бўлади. Ўз-Ўзидан логистика ривожланади. Тадбиркорлар сарсон бўлмайди.

Шу каби топшириқлар, асосли ташаббуслардан руҳланиб олдимизда янги мақсадлар қўйдик, режалар тузиб олдик. Келгусида корхоналаримизни бошқа ҳудудларда ҳам очмоқчимиз, экспорт географиясини кенгайтираемиз, юзлаб янги иш ўринлари яратамиз.



Сардор СОДИҚОВ,
“Global education” ўқув
маркази раҳбари:



Суннатилла БЕКЕНОВ,
Давлат активларини
бошқариш агентлиги
директори:

— Президентимиз Қарши шаҳридаги корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникаси фаолияти билан танишди. Бу ерда йўлга қўйилган хизматлар, яратилган шароитлар ҳақида маълумот бердик.

— Тошкент халқаро Вестминстер университетиди таҳсил олам. Ахборот технологияларига қизиққанам боис пандемия даврида инглиз тилини ўрганишни қулайлаштириш мақсадида янги мобил илова яратдик. Иловада 40 тадан ортиқ дарсликлар ва қўллаб-қувватлаш тест шакллари бор. Барча ёшдагилар учун қулай ва соддалиги билан ажралиб туради. Яқинда БААда ўтказилган, 260 жамоа иштирок этган онлайн танловда ушбу иловани 1-ўринга муносиб кўрилди ва 50 минг доллар ютиб олдик.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳридаги IT-технопарк фаолиятини кўздан кечириб, лойиҳаларимиз билан

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 27 октябрда қабул қилинган “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу йўналишда ўз ечимини кутаётган долзарб вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, соҳага замонавий бошқарув усуллари, очкилик, шаффофлик ва бозор тамойилларини жорий этишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Қарши шаҳрида фаолият бошлаган корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникасида тадбиркор ва ишбилармонлар учун барча шароитлар яратилган. Бу ерда тадбиркорларга давлат активларини сотиб олиш, корхоналарни хусусийлаштириш билан боғлиқ саволларга жавоб бериш билан бирга муаммоларни

ҳам танишди. Дастурий илова ҳақида маълумот бердик. Жуда маъқул бўлди, ташаббусларимиз ва янги гоёларимизни қўллаб-қувватлашни билдирди. Биз яратган мобил иловаларни такомиллаштириш учун етарлича маблағ ажратилишини айтганда хурсанд бўлдик.

Давлатимиз раҳбари ўзбек тилини чет элликлар ўртасида тарғиб қилиш, ўргатиш учун мобил илова яратиш бўйича тақлиф берди. Бунинг учун нима зарур бўлса берамиз, деди.

Бу тақлифдан руҳландик. Қўлимиздан келади, албатта. Қолаверса, тилимизни, маданиятимизни тарғиб қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз.

ҳал қилишда амалий кўмак кўрсаталади.

Президентимиз
бу тизимни янада
такомиллаштириш,
янги хизмат
турларини йўлга
қўйиш, бир сўз билан
айтганда, аҳолига
ва тадбиркорларга
қулайлик
яратиш борасида
топшириқлар берди.

Ана шу топшириқлар асосида келгусида бундай клиникаларни янада кўпайтирамиз. Биз шундай муҳит яратишимиз керакки, токи ҳар бир фуқаро бу клиникага келиб, муаммосини шу ернинг ўзида ҳал қилсин. Ортиқча вақт ва маблағ сарфламасин.



Алишер САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон
Республикаси Ёшлар
ишлари агентлиги
директори:

— Президентимиз билан Қарши шаҳрида янги очилган Ёшлар марказида учрашдик. Суҳбат чоғида янги гоёлар, ғайрат ва мотивация олдик.

Бугун ёш авлодининг порлоқ келажакини яратиш йўлидаги ғамхўрликлар ўз самарасини бермоқда. Ёшлар жамиятнинг ташаббускор ва фаол қатлами сифатида доимо қўллаб-қувватланмоқда. Бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, жумладан, ёшлар ташаббус ва гоёларини бираштириш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, тил ўргатиш, муҳокамалар майдони яратиш, турли соҳаларда маҳорат дарсларини ўтиш учун ҳар бир ҳудудда Ёшлар маркази ташкил этилмоқда.

Қашқадарёда 18-30 ёшгача бўлган ёшлар сони 780 минг 642 нафарни ташкил этади. Бун-

дан кўриниб турибдики, мазкур марказ ёшлар учун жуда муҳим. У минглаб ёшларни турли тўғараклар атрофида бираштириб, истеъдодини юзга чиқаришда, касб-хунарга меҳр уйғотишда катта ўрин тутайди.

Бу ерда тадбиркорлик ва фермерлик, IT экспорт, ёшлар студияси, ITESN, филансерлар, мактаб битирувчилари бандлигини таъминлаш, психологик маслаҳат, беш ташаббусни мувофиқлаштириш каби марказлар фаолияти йўлга қўйилади.

Президентимиз биз
билан учрашувда
бугунги Ўзбекистон
ёшлари жуда шижоатли,
ақлли ва ватанпарвар
эканини таъкидлаб,
Учинчи Ренессанс
остонасида янгича
тафаккурли бўлишимиз
кераклигини алоҳида
тилга олди. Бунинг
учун ҳамма шароитлар
яратиб берилишини
таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари марказ фаолиятини такомиллаштириш бўйича тақлифларини айтди. Биз шу асосда янги гоёларни амалга оширишни мақсад қилдик. Янги марказни ёшларнинг доим ошиқадиган, гоё ва ташаббусларини амалга оширадиган масканга айлантираемиз, деб ишонтираемиз.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Лутфулло СУВОНОВ
ёзиб олди.

ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ДАСТУР

Бошланиши 1-бетда

2020-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида жами қиймати 12,3 триллион сўмлик 1 359 та устувор лойиҳани амалга ошириш ва 17 572 та янги иш ўрни яратиш бўйича манзилли дастур шаклланди.

Шунингдек, мазкур дастурда қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ҳам қатор вазифалар белгиланган. Пахта етиштириш бекор қилинаётган 12 минг гектар майдонда экспортбон сазавот экинлари экилади. Қўнжўт етиштириш ва наслини қорамоллар сонини кўпайтириш, Хўжайли туманини чорвачилик ва мева-сабзавотчиликка ихтисослаштириш ҳам кўзда тутилган.

Инвестиция лойиҳаларининг асосий қисми чорвачиликни ривожлантириш, савдо, қурилиш, маиший хизмат кўрсатиш, озик-овқат саноати, транспорт хизматлариға тўғри келади. Шу билан бирга, иссиқхона ташкил этиш, балқичилик, бодбодорчиликни ривожлантиришга, тўқимачиликка маблаглар йўналтирилади. Бугунги кўнгача жами қиймати 3 триллион 43 миллиард сўмлик 1069 та лойиҳанинг инвестиция маблаглари ўзлаштирилган. Қиймати 482,3 миллиард сўмлик 321 та лойиҳа ишга тушиши билан 1 705 та янги иш ўрни яратилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2021-2022 йилларда амалга оширилиши белгиланган инвестиция лойиҳалари бўйича саноат кластерларини ташкил этиш борасида Қорақалпоғистон иқтисодиётини ривожлантириш борасида лойиҳа қиймати 3,9 триллион сўмлик 27 та саноат кластери ва 8 129 та янги иш ўрни ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, қимё саноатида қиймати 1 триллион 198 миллиард 344 миллион сўмлик (50 та янги иш ўрни), қурилиш материаллари саноатида қиймати 645 миллиард 124 миллион сўмлик (1 150 та янги иш ўрни), қўғоз саноатида қиймати 43 миллиард 327 миллион сўмлик (155 та янги иш) лойиҳалар амалга оширилади. Шу билан бирга, чорвачилик йўналишида қиймати 81 миллиард 378 миллион сўмлик, мева-сабзавотчиликда 145 миллиард 561 миллион сўмлик, тўқимачилик саноатида 722 миллиард



Қорақалпоғистон иқтисодиётини ривожлантириш борасида лойиҳа қиймати **3,9** триллион сўмлик **27** та саноат кластери ва **8129** та янги иш ўрни ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, қимё саноатида қиймати **1** триллион **198** миллиард **344** миллион сўмлик (50 та янги иш ўрни), қурилиш материаллари саноатида қиймати **645** миллиард **124** миллион сўмлик (1150 та янги иш ўрни), қўғоз саноатида қиймати **43** миллиард **327** миллион сўмлик (155 та янги иш) лойиҳалар амалга оширилади.

Халқаро ҳамкорлик

ПАНДЕМИЯДАН KEYIN БАНКЛАР ФАОЛИЯТИ

навбатдаги Халқаро банк кенгаши йиғилишида муҳокама қилинди

Соҳиба МУЛЛАЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Коронавирус пандемияси барча соҳалар сингари банклар фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Бу борада унинг оқибатларини тўғри баҳорат қилишда ривожланган давлатларнинг тажрибасини ўрганиш жуда муҳимдир.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг банк тизимида кечаётган глобаллашув жараёнлари, унинг ижобий ва салбий оқибатлари ҳамда йиғилиб қолган амалий муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида Ўзбекистон Халқаро банк кенгаши аъзоси сифатида МДХ давлатларининг Халқаро молия-банк форумларида ва Иқтисодий кенгаши йиғилишларида доимий равишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Халқаро банк кенгашининг “Пандемияни бар-тараф этиш шароитида, замонавий молия-банк тизимини рақамлаштириш — ривожланишининг асосий талаби. Пандемиядан кейинги даврда банк тизимини ривожлантириш стратегияси” мавзусидаги навбатдаги йиғилиши Тошкент шаҳрида Ўзбекистон банклари Ассоциацияси раислигида бўлиб ўтди. Унда МДХ ва Шарқий Европа давлатларининг Халқаро банк кенгашига аъзо банк-молия ташкилотлари уюшмалари ва мустақил халқаро экспертлар видеоконференция алоқа орқали иштирок этдилар. Мазкур йиғилишда мамлакатимиз томонидан иштирок этиш учун Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат Солиқ қўмитаси ва республикамиз тижорат банкларининг мутасаддилари тақлиф этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон банклари Ассоциацияси Бош директори мамлакатимизда пандемияга қарши курашни доирасида амалга оширилаётган ишлар, бундай мураккаб даврда тижорат банкла-

рини қўллаб-қувватлаш, давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолини пандемиянинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисидаги маърузаси билан иштирок этди.

— Жаҳон банки рейтингида Ўзбекистон етти поғонага кўтарилиб, бизнесни рўйхатдан ўтказиш бўйича 190 мамлакат орасида 8 ўринни эгаллади ва энг яхши ислохотчилар рўйхатиға киритилди, — деди Ўзбекистон банклари Ассоциацияси Бош директори Бахтиёр Ҳамидов. — COVID-19 каби глобал таҳдидларға қарамай, Ўзбекистон иқтисодиётдаги асосий тармоқларнинг барқарор ишла-шини сақлаб қолди, буни мамлакатнинг 2020 йил 9 ойдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари тасдиқлайди. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 0,4 фоизга ўсди. Саноат тармоқлари ялпи қўшилган қийма-тининг ўсиши 0,5 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3,4 фоизга, қурилиш ишлари 8,6 фоизга, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси эса 1,8 фоизга ўсди. Лекин дунёда жорий қилинган карантин чоралари республиканинг ташқи савдо айланмасига сези-ларли таъсир кўрсатмасдан қолмади: 2020 йил-нинг 9 ойи якунлари бўйича Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисба-тан 3,7 миллиард долларға камайиб, 27,49 милли-ард долларни ташкил этди.

Мазкур йиғилиш шуниси билан аҳамиятликки, унда Кенгашининг сўнги уч йиллик фаолияти на-тижалари сарҳисоб қилинди ва келаси уч йиллик учун Халқаро банк кенгаши раиси, унинг ўринбо-сарлари ва ижроия қотибати тасдиқланди.

Йиғилиш давомида Кенгаш аъзоларининг маъ-рузалари тингланди. Улар чиқишларида ўз мам-лакатларида пандемия шароитида кредит тақ-силотлари дуч келаётган муаммолар ва молиявий қийинчиликлар, пандемиянинг салбий оқибатлари ҳамда уларға қарши қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот бердилар. Ижобий ва самарали натижаға эришган давлатлар ўз тажрибалари бил-лан фикр алмашишди.

Ўзбекистон минтақадаги ва унинг атрофидаги барча мамлакатлар билан самарали ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришни хоҳлайди.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев 10 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтган навбатдаги мажлисидаги нутқида ўткир ва долзарб ташаббусларни илгари сурганига барчамиз гувоҳ бўлдик.

ЎЗБЕКИСТОН — ШҲТ: МУҲИМ ТАШАББУСЛАР МАЙДОНИ



Актам ЖАЙТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

Хозирги кунда Шанхай ҳамкорлик ташкилотидан бир қатор обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар орасида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлмоқда, минтақавий ва глобал миқёсда хавфсизлик, барқарорлик ва изчил ривожланишининг таъсирчан омил бўлиб хизмат қиляпти. Асосий мақсади аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, шунингдек, таълим, энергетика, транспорт, туризм ва бошқа соҳалардаги самарали ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат бўлган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бугунги кунда ўз тараққиётининг принципиал жиҳатдан янги босқичида турибди.

Хозирги мураккаб шароит савдо-иқтисодий алоқаларнинг кескин қисқариши, ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши ишсизлар сонининг ортишига олиб келди. Энг ёмони, дунёнинг айрим минтақаларида ҳарбий-сиёсий вазият кескинлашяпти, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар кучаймоқда. Ушбу глобал хатар ва таҳдидларни фақатгина яхши қўшничилик, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш, аъзо-аналаримизни асраш ва кўпайтириш йўли билангина енгиб ўтиш мумкин. Бундан бошқа йўли ҳам, ўзга чораси ҳам йўқ. Шу жиҳатдан умумий қадриятимиз, биргаликда тараққиётга интилишимиз, маданиятлар хилма-хиллигиға ҳурматимиз ифодаси бўлган кўп томонлама ҳамкорликнинг ноёб тажрибаси — “Шанхай руҳини” мустаҳкамлаш айна вақтда ҳаётий

заруратдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳар биримиз кучли бўлсаккина, ШҲТ ҳам кучли бўлади.

ШҲТ мамлакатлари ўртасида иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашдан асосий мақсад савдо-иқтисодий алоқалар ва саноат кооперациясини жонлантириш-дир. Бу ўзаро савдода тўсиқларни бартараф этиш, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, уларни уйғунлаштириш ва рақамлаштириш, мамлакатларимиз ўртасидаги электрон тижоратни ривожлантириш, ўзаро инвестицияларни рағбатлантиришни назарда тутди.

Давлатимиз раҳбари анжуманда иқтисодий ўсишни таъминлашда ахборот технологияларининг роли ортиб бораётганини қайд этиб, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва аҳолини ўқитишға қаратилган ШҲТнинг рақамли саводхонликини ривожлантириш бўйича дастурини ишлаб чиқиш тақлифини билдирди. Аҳоли соғлиғиға хавф тўғдираётган янги хатар ва таҳдидларға қарши биргаликда курашиш қўламини кенгайтириш жуда муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлади. Бу борада мамлакатларимизнинг соҳаға ихтисослашган шифохоналари ўртасида самарали ҳамкор-ликни йўлга қўйиш мақсадида эпидемияға олиб келувчи касалликларға қарши курашиш бўйича тиббиёт муассасалари тармоғини яра-тиш тақлиф этилди. Бунинг натижасида юқу-мик касалликларни диагностика, профилактика қилиш ва даволаш бўйича тажриба алмашиш, қўшма врачлар гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларни тайёрлашға қаратилган ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга оши-риш имконияти янада кенгайди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари камбағалликни қисқартириш масалаларида яқин ҳамкорликни йўлга қўйишнинг долзарб аҳамиятини алоҳида қайд этар экан, бу бо-рада ташкилот доирасида мутасадди вазир-лик ва идоралар раҳбарлари йиғилишлари механизмини яратиш ва тегишли дастурий ҳужжат тайёрлашни тақлиф этди. Камбағал-ликка қарши курашиш бўйича қилишланган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида мамлакатимиз халқаро форум ўтказишға тай-ёр экани билдирилди.

Ҳақиқатан ҳам бугунги шароитда биргалик-даги саъй-ҳаракатларни аҳолининг эҳтиёж-манд қатламларини қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартиришға йўналтириш фой-да муҳимдир. Бу борадаги ҳамкорликни муво-

фиқлаштириш мақсадида қашшоқликка қарши курашиш учун масъул бўлган давлат вазирлик ва идоралари раҳбарларининг йиғилишлари-ни ўтказиш механизмини яратиш яхши самара беради.

Нутқда халқаро ҳамжамият, шу жумладан, ШҲТ мамлакатларининг саъй-ҳаракатлари туфайли Афғонистонда низоми тинч йўл билан тартибга солишда умид бағишловчи ис-тиқболлар кўринаятгани, тинчликка эришиш, Афғонистон халқиға иқтисодий ёрдам кўрса-тиш йўлидаги ушбу ижобий интилишларни қўллаб-қувватлаш учун имкониятларни бир-лаштириш муҳимлиги ҳам алоҳида таъкид-ланди. Албатта, Афғонистоннинг минтақавий савдо-иқтисодий жараёнларға жалб этилиши ҳам ушбу мамлакатнинг тинч, барқарор та-раққиётига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шу жиҳатдан Президентимиз саммит иштирокчиларини Афғонистондаги тинчлик жараёнларини ва ушбу мамлакатни мин-тақавий савдо-иқтисодий алоқаларға жалб этишни қўллаб-қувватлашға қақирди. “ШҲТ — Афғонистон” мулоқот гуруҳи доирасида мамлакатнинг иқтисодий-иқтисодий тиклани-шиға кўмаклашиш бўйича амалий чора-тад-бирлар режасини тез фурсатда қабул қилиш тақлиф этилди. Афғонистонға унинг Марка-зий ва Жанубий Осиёни боғлаб турувчи кўп-рик сифатидаги тарихий ролини қайтаришға хизмат қиладиган транспорт йўлакларини барпо этиш ташаббусларига алоҳида эъти-бор қаратилди. Бу саъй-ҳаракатлар албатта, минтақада ва дунёда тараққиёт ҳамда фаро-вонлик таъминланишиға хизмат қилади.

Келгуси йилда Шанхай ҳамкорлик ташки-лоти 20 ёшға тўлади. Президентимиз ушбу муҳим сана арафасида “ШҲТнинг замо-नावий халқаро муносабатлар тизимидаги роли” халқаро форумини ўтказишни тақлиф этгани, шубҳасиз, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва ролини янада оширди.

Саммит якунида ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришға қар-тирилган ҳужжатлар тўғрисида имзолангани албатта, мамлакатларимиз ўртасидаги ўза-ро манфаатли, ҳамкорлик алоқаларини мус-таҳкамлаш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлашға хизмат қилади. Зеро, илгари сурилган тақлифлар бугунги кунда ин-сониятни ўйлантириб келаётган долзарб ва ўткир муаммоларни ҳал этишға қаратилган муҳим қақирқидир.

Янги Ўзбекистон — дунё нигоҳида

Бошланиши 1-бетда



Александр РАР: ЎЗБЕКИСТОН ЕВРОПА ВА ОСИЁНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИДА, ШУНИНГДЕК, ЯНГИ ИПАК ЙЎЛИДА МУҲИМ МАВҚЕГА ЭГА

Ушбу ташкилотнинг келажаги ҳақида фикр юритиш ҳам жуда муҳим. ШҲТ Яқин Шарқни барқарорлаштириш бўйича жиддий муаммо-ларға дуч келади, деб ўйлайман. У ерда фука-ролик урушлари содир бўлмоқда, турли низолар давом этмоқда, қон тўқилмоқда, Ғарбға ҳам, Евроосиё давлатларига ҳам таҳдид солади-ган янги мафкура пайдо бўлмоқда. Яқин Шарқ минтақасида қўллаб муаммолар, шу жумладан, ижтимоий муаммолар мавжудки, улар, албатта, Шимолға ҳам салбий таъсирини ўтказишади. Чун-ки минтақадан Европа ва даврда ЕХҲТ мамла-катларига миграция оқими давом этмоқда.

Шунинг учун бугун биз ушбу масалалар билан фаол шуғулланишимиз керак. Европа Иттифоқи ушбу муаммага ўз доирасида кура-шишға ҳаракат қилмоқда. Аммо, менимча, ШҲТ ҳам бугун мазкур муаммонини ўз минтақасида ёки ушбу ташкилотға аъзо давлатлар атрофида ҳал қилишнинг стратегик аҳамиятини кўтараётгани жуда муҳим. Шу муносабат билан келажакда Европа Иттифоқи ва ШҲТ институтлари ўрта-сидаги ҳамкорликнинг қўшма шакллари катта аҳамиятга эга бўлади.

Янги раҳбарият бошқараётган Ўзбекис-тон ШҲТ каби муҳим ташкилот фаолиятиға ўз ҳиссасини қўйишға ва унинг доирасидаги таъсирини кучайтиришға интиляётганини таъ-кидламоқчиман. Шунинг учун ШҲТ саммитида расмий Тошкент томонидан илгари сурилган ташаббуслар кўпчилигининг эътиборини тортиди. Назаримда, Ўзбекистоннинг ШҲТ доирасидаги стратегияси ушбу ташкилотнинг имкониятлари-ни янада кенгайтириши мумкин.

Ўзбекистон минтақадаги ва унинг атрофида-ги барча мамлакатлар билан самарали ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш-ни хоҳлайди. Шу сабабли, менимча, Ўзбекис-тон Европа ва Осиёнинг ўзаро алоқаларида, шунингдек, бугун Хитой Европаға Марказий Осиё ва Евроосиё макони орқали барпо эта-

ётган Янги ипак йўлида муҳим мавқега эга бў-лиши мумкин. Ушбу жараённинг иштирокини, меъмори ёки ҳаммуаллифи бўлиш ШҲТга аъзо ҳар бир давлат учун муҳимдир.

Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон ўз ташқи сиё-сат стратегиясига асосланган ҳолда барча давлатлар, айниқса, ушбу жараённинг асосий иштирокчилари билан ишончли иқтисодий ва сиёсий муносабатда бўлиш, жумладан, хавфсизлик масалалари бўйича мулоқот юритишға интиломоқда. Бунда нафақат Россия ва Хитой, балки минтақанинг фаол иштирокчисига айланб бораётган Туркия, араб мамлакатлари ва, албатта, Ғарб давлатлари, шу жумладан, АҚШ ва Германия ҳам назарда тутилмоқда.

Агар Ўзбекистон ўзаро боғлиқлик доираси-даги ҳамкорликнинг турли шакллари тақлиф қилинадиган ташаббусларни илгари суришда давом этса, бу яхши қўшничилик муносабат-ларини мустаҳкамлашға, Осиё ва Европанинг иқтисодий блоклари, сиёсий ташкилотлари ва бошқа тузилмалари ўртасидаги ўзаро алоқа-ларни ривожлантиришға ёрдам беради, деб ўйлайман. Бу хаттоки ЕХҲТ сингари таркибига Осиё ва Евроосиё давлатлари қатори Европа мамлакатларини ҳам қўйиш орқали ШҲТни янада кенгайишиға хизмат қилиши мумкин.

Ислохотлар самараси

Бошланиши 1-бетда

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ТЎЙТЕПА ЎРНИДА...

— Сўнгги йилларда Нурафшонда иқтисодийётнинг барча тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, табиий шароит ва хомашё ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланиш борасида эътиборга лойиқ ишлар олиб борилаяпти, — дейди Нурафшон шаҳри ҳокими Қаҳрамон Ҳақимов. — Тўлиқ ақлли технологияларга асосланган ушбу “ақлли шаҳарча” уч босқичда барпо этилмоқда. Президентимиз тавсиясига кўра биринчи босқичда жами 1 792 квартиралар тўққиз ва ўн икки қаватли уйлар қурилиши бошлаб юборилган.

Шунингдек, 360 ўринли боғча, 1 минг 200 ўринли мактаб, маданий-маиший объектлар, дам олиш ҳудудлари тезкорлик билан бунёд этилмоқда. Шаҳарнинг марказий Тошкент йўли кўчаси ҳам янгиланди. Кўча бўйидаги бир қаватли эски иморатлар ўрнида 7 ва 9 қаватли турар-жойлар, сервис шохобчалари, саломатлик марказлари, гипермаркетлар қурилиши жадаллаштирилмоқда. Ҳар бир бино олдида автомобил тўхташ жойлари бўлиши кўзда тутилган. Турт йўлакчи магистрал ва ички автомобиль йўли ҳам қуриляпти. Велосипед ва пиедаларнинг қулай ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида махсус жойлар ажратилган. Ирригация тармоқлари учун янги турдаги ёпиқ лотоклар ўрнатилиб, кўча бўйлари кўкаламзорлаштирилмоқда. Ҳудудасини айтганда, гўзал ва мафтункор бир шаҳарча бунёд этилмоқда.

Дарҳақиқат, виллоятнинг маъмурий маркази Нурафшон шаҳрини юртимиздаги биринчи ақлли шаҳарча айлантириш ҳақидаги концепцияга мувофиқ шаҳарда маъмурий бинолар, замонавий турар жойлар, бизнес марказлари, меҳмонхона, спорт мажмуалари, ёшлар иходиёт марказлари, кутубхона, мактаб, кўп тармоқли шифохоналар бунёд этилмоқда.

Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, истироҳат боғлари, яшил майдонлар, пиедалар ва велосипедчилар учун хиббонлар, йўллар қурилмоқда. Жамоат транспорти ҳаракати ҳам йўлга қўйилди. Умумий майдони 217 гектардан иборат Тўйтепа шаҳарчаси ўрнида вужудга келган Нурафшон шаҳрининг жами майдони бугунги кунда қарийб 16 баравар кенгайган бўлиб, айни пайтда 3 248,2 гектарга тенг.

24 МИЛЛИАРД СЎМ ТОВОН ПУЛИ ТўЛАБ БЕРИЛГАН...

Тошкент йўли кўчаси бўйлаб борар эканмиз, тирбандлиқнинг олдини олиш мақсадида шаҳарнинг кириш қисмида “Smart city” марказига борадиган янги 4 километрлик кўча қурилиши жараёنлари билан ҳам танишдик. Нурафшон шаҳар ҳокимининг маълум қилишича, ушбу ҳудудда умумий қиймати 782 миллиард 500 миллион сўмдан иборат 41 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Ўзбекистондаги илк “Smart city” (“ақлли шаҳар”) қурилиши учун Тошкент йўли кўчасида 213 та объект бўзилиб, жой эгаларига маҳаллий бюджет ҳисобидан 24 миллиард сўм тоvon пули тўлаб берилган.

Қайд этилишича, шаҳарнинг марказий қўчасида 172 та бино ва иншоот барпо этилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 78 та объектда қурилиш ишлари олиб борилаяпти. Ушбу объекتلарда каналлация тизими, ичимлик сув, газ ва электр энергияси таъминотлари бутунлай янгидан йўлга қўйилмоқда. Бунинг учун 141 миллиард сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, 4 минг куб суви тозалайдиган иншоот барпо этилмоқда. Тошкент йўли кўчасида 9 та банк биноси ҳам қад кўтарди. Бир-икки йил



НУРГА ИНТИЛАЁТГАН НУРАФШОН

мобайнида 96 та ана шундай иншоотлар қурилади. Ҳозирги кунда 14 та етти қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди.

Адлия, Фавкуллода вазиятлар бошқармаси, “Ешлар маркази”, “Қишлоққурилиш-банк” ва “Ҳамкорбанк” каби кўплаб ташкилотларнинг янги бинолари фойдаланишга топширилган. Қўчадаги автомобиль катновига қулайлик яратиш мақсадида асосий йўл кенгайтирилмоқда. Уз навбатида, бузилишга тушган, эскирган хонадонлар бузилиш муносабати билан аҳолига шаҳарнинг бошқа ҳудудидан жой ажратилган. Бу жараёнлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ИЛК “АҚЛЛИ ШАҲАР” — SMART CITY

Медиа-тур доирасида “Тошкент йўли” кўчаси орқали “Нурафшон сити” қурилиш майдонини ҳам кўришга муассар бўлдик. Марказий Осиёдаги илк “Ақлли шаҳар”ни куриш борасидаги саъй-ҳаракатлар авжиде, ҳудудда виллоят прокуратураси ва виллоят ички ишлар бошқармаси маъмурий биносининг қурилиши бошланган. Лойиҳа бўйича шаҳар ҳокими томонидан ўтказилган тақдиротда бу ҳақда атрофлича маълумот берилди.

— “Smart city” бош режасига мувофиқ, лойиҳа концепцияси бўйича бир нечта хорижий компаниялар ўз тақлифларини берган. Корея компанияси тақдим этган тақлифда бино-иншоотлар 7 қават бўлиб, 20 минг аҳолига мўлжалланган, — дейди шаҳар ҳокими Қаҳрамон Ҳақимов. — Туркия ва Хитой инвесторлари томонидан ҳам кўшимча тақлифлар ишлаб чиқилган. Қуни кеча Тошкент виллоят ҳокими Рустам Ҳолматов ва Сингапурнинг “Universal Success Enterprises Limited” компанияси раиси Пра-сун Мукержи лойиҳани амалга ошириш бўйича ҳамкорлик тўғрисида бош келишувни онлайн тарзда имзоладилар.

Ҳужжатда Сингапур компанияси томонидан ўзбекистонлик ҳамкорлар билан 2021 йил биринчи чорагининг охирига қадар лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш, кейинчалик тасдиқлаш ва замонавий Нурафшон шаҳри қурилишини бошлаш назарда тутилган. Маълумот ўрнида айтиш лозимки, бўлажак шаҳарнинг умумий майдони тахминан 2 минг 833 гектарни ташкил этади ва бу уч босқичда амалга оширилади. Медиа-тур давомида ОАВ вакиллари Нурафшон шаҳридаги йирик енгил саноат корхоналаридан бири бўлган “Textile Mill

Toshkent” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан ҳам таништирилди.

МАҲСУЛОТ ЕВРОПАГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

Маълумки, бугунги кунда тадбиркорларга яратилган имкониятлар ўз самарасини бермоқда. Бунчи “Textile Mill Toshkent” МЧЖ фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Корхона кунига 50-60 минг жуфт турли ўлчам ва дизайндаги пайпоқларни ишлаб чиқармоқда. Карантин даврида ҳам бу жараён белгиланган тартибда амалга оширилди.

— Корхонамиздаги автоматлаштирилган цехларда ишлар босқичма-босқич йўлга қўйилган, — дейди “Textile Mill Toshkent” МЧЖ директорининг ўринбосари Исмоил Нурматов. — Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, махсулотларимизнинг 90 фоиздан зиёди Европа давлатларига экспорт қилинади. Бу ерда 360 нафар ишчи-ҳодимлар фаолият олиб бориб, уларнинг асосий қисми, шу яқин-атрофда истикомат қиладди. Ишчилар учун барча шароитлар яратилиб берилган. Иссиқ овқат, ишга келиш ва уйга қайтиш учун автобуслар қатнови йўлга қўйилган. Ойлик маошлар ўз вақтида берилди. Махсулотларимиз тури 5 мингдан ортиқ бўлиб, талаб асосида янгилаб борилади. Яқин келажақда ёшлар учун махсус спорт оёқ кийимлари, спорт анжомларини ишлаб чиқаришни ҳам режалаштирганмиз.

БЕШ МУҲИМ ТАШАББУС ИЖРОСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 19 март куни ўтказилган йиғилишда ижтимоий маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббус иллари сурилган эди. Ушбу ташаббус-

ларнинг амалдаги ижросини Қўйи Чирчиқ туманидаги “Беруний” маҳалласидаги намунавий лойиҳалар билан танишиш жараёнида янада ёрқинроқ кўришга мушарраф бўлдик.

— Неча йиллардан бери қаровсиз ҳолда ётган Беруний маданият маркази Маданият вазирлиги томонидан 6,5 миллиард маблағ эвазига тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Эндиликда бу ерда рақс, тасвирий санъат, вокаль, хор каби тўғарақлар очилган бўлиб, уларга 200 дан зиёд ёшлар жалб этилган, — дейди Қўйи Чирчиқ тумани маданият бўлими бошлиғи Шерзод Жалолов. — Бундан ташқари, “Dongdi” корейс маданият маркази ҳам фаолият юритади. Ушбу қулайликлардан ҳудуд аҳолиси жуда мамнун. Авваллари бундай шароитлар йўқ эди. Ҳозир маданият марказида турли тадбирлар, концерт дастурларини ўтказишга аҳоли ва ёшлар иштирокчини таъминлашга барча имкониятлар етарли.

ЯХШИЛИК САРИ ОДИМЛАЁТГАН ОДАМЛАР...

Маҳалла ҳудуди бўйлаб айланар эканмиз ўзимизни, мафтункор ва ғаройиб бир шаҳарчага тушиб қолгандай ҳис қилдик. Бир-бирлари билан ўзаро фикр алмашаётган кизлар, спорт билан шугулланишга шайлиниб турган йигитлар, китоб ва рақлаб ҳаёлот дунёсига чўмган қариялар, кизгин меҳнат кучида завқ билан тикиш тикаётган аёлларни кузатдик.

“Беруний” маҳалласини нур-зиёга буркаб, келажак авлодга истиқболли, ёруғ йўлни кўрсатиб, қарияларни қадрлаб, ёшларни эзгу мақсад билан бахтиёр яшашга ундаётган давлатимиз бор экан, бизлар чиндан ҳам ҳеч кимдан кам эмасмиз.



Маҳаллада ташкил этилган “Ешлар инновацион маркази”, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ихтиёридаги “Меҳнат гузари”, кутубхона, компьютер ва тиббий хизмат турлари, фитнес клуб, маданият ҳамда ўқув марказларини инсонларнинг саодатли ва фаровон яшаш учун яратилган яхшиликлар мажмуаси деб аташ жоиз.

Чунки, бу гўшада одамларнинг яхши яшаш, соғлигининг муҳофазаси, меҳнат билан бандлиги ва маданий дам олиши учун барча шароитлар мужассам.

— Қўйи Чирчиқ тумани бунёдкорлик майдонига айланган, бу ерда иқтисодий тармоқлари жакон андозаларига мос тарзда ривожлантириляпти, — дея бизга қўшимча маълумотларни тақдим этди Тошкент виллоят ҳокимининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Беҳзод Қобулов. — Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қишлоқ ҳўжалиғи ва бошқа истиқболли соҳаларда тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратилаётганини, “Беруний” маҳалласи мисолида аниқ кўриш мумкин. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳомийлигида 4,5 миллиард сўмлик маблағ ҳисобига маҳалладаги 15-сонли мактабга таълим муассасаси, 48- ва 52-сонли умумтаълим мактабларида мукамал таъмирлаш ҳамда пардозлаш ишлари амалга оширилди. Таълим муассасаларининг футбол майдонлари ҳамда улардаги ўриндиқлар янгиланди, ёшларнинг спорт билан мунтазам шугулланишлари учун зарур бўлган барча жиҳозлар ўрнатилиди. Спорт тўғарақларига энг тажрибали ва малакали ўқитувчилар жалб этилди. Мактаб биносида Рақамли технологиялар ўқув маркази ҳам ташкил этилган. Бундан ташқари, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, уларга қулайликлар яратиш учун 40 дан зиёд оилаларнинг хонадонлари таъмирлаб берилди. Тоза ичимлик сувида фойдаланишлари учун янги тармоқ қувурлари ётқизилди.

Маҳаллада сендвич панел услубидаги оёқ кийим ишлаб чиқариш цехи ҳам фаолият олиб бормоқда. Яқин атрофдаги ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш мақса-

360 ЎРИНЛИ БОҒЧА, 1 МИНГ 200 ЎРИНЛИ МАКТАБ, МАДАНИЙ-МАИШИЙ ОБЪЕКТЛАР, ДАМ ОЛИШ ҲУДУДЛАРИ ТЕЗКОРЛИК БИЛАН БУНЁД ЭТИЛМОҚДА. ШАҲАРНИНГ МАРКАЗИЙ ТОШКЕНТ ЙЎЛИ КЎЧАСИ ҲАМ ЯНГИЛАНДИ. КЎЧА БЎЙИДАГИ БИР ҚАВАТЛИ ЭСКИ ИМОРАТЛАР ЎРНИДА 7 ВА 9 ҚАВАТЛИ ТУРАР-ЖОЙЛАР, СЕРВИС ШОХОБЧАЛАРИ, САЛОМАТЛИК МАРКАЗЛАРИ, ГИПЕРМАРКЕТЛАР ҚУРИЛИШИ ЖАДАЛЛАШТИРИЛМОҚДА. ҲАР БИР БИНО ОЛДИДА АВТОМОБИЛЬ ТЎХТАШ ЖОЙЛАРИ БЎЛИШИ КЎЗДА ТУТИЛГАН.



дида ташкил этилган тикувчилик-трикотаж мажмуаси ўз фаолиятини бошлаганига ҳали ҳеч қанча бўлмаган, аммо ишлаб чиқараётган махсулотлари хорижликларнинг эътиборига тушгани ҳам алоҳида бир воқеалиқдир...

— Замонавий технологиялар билан жиҳозланган тикув мажмуамиз янгидан барпо этилиб, жорий йилнинг 21 сентябрида ўз фаолиятини бошлади. Натижада ушбу маҳалладаги 30 нафар хотин-қизлар доимий иш ўрни билан таъминланди, — дейди “Abbos gremsh” МЧЖ иш бошқарувчиси Гулнора Усмонова. — Корхонамиз тўлиқ қувватда ишлаб бoшлагач, 30 турдан ортиқ аёллар ҳалатлари, катталар, болалар кийимлар ҳамда чойшаблар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Махсулотларимиз хориж давлатларига экспорт қилинмоқда. Айни дамда махсулотлар турини кўпайтириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш устида иш олиб бормоқдамиз. Корхонада ётоқхона, ошхона, ювиниш ва дам олиш хоналари мавжуд. Эндиликда республика тикув мажмуамиз янгидан тикувчи ва бичувчиларни ишга жалб қилмоқчимиз...

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Тошкент виллоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган “Журналист ва ҳаёт” лойиҳаси доирасидаги медиа-тур давомида туманларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар билан яқиндан танишар эканмиз, “Меҳнатнинг тағи роҳат” деган доно нақл замиридаги улкан маъно моҳиятини янада теранроқ англагандай бўлдик. Оддийгина маҳаллани бўстонга айлантириб, ташландиқ ерни обод қилиб, халқ маънавиятини юксалтириш учун эзгуликка интилиб, яхшилик сари одимлаётган одамларимиз бор экан, ҳаётимиз гўзал, турмушимиз фаровон, дастурхонимиз ҳамisha тўқин.

2020 йил — Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили



Худойберди КАРИМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Дарҳақиқат, бугун дунёнинг барча ривожланган мамлакатлари рақамли иқтисодиёт йўлини танлаган. Қувонарлиси, бу борада Ўзбекистонда ҳам бир қатор салмоқли ишлар амалга ошириляпти. Жорий йилнинг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинишининг ўзи ҳам гапимизнинг исботидир.

Маълумки, 2019 йилнинг 24 июль куни Тошкентда Ўзбекистондаги биринчи дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари маркази — IT-парк расман фаолият бошлаган эди. Шундан кейин мамлакатимизнинг яна 3 та шаҳри — Андижон, Марғилон ва Ўзгистонда ҳам IT-паркнинг филиаллари фойдаланишга топширилди. Қуни кеча эса Жиззах шаҳри марказида замонавий IT-парк тантанали равишда очилди.

IT-парк виллоят ҳокимлигининг яқинда мукаммал таъмирдан чиқарилган олти қаватли биносининг иккинчи қаватидан жой олди. У ҳафтанинг етти куни

давомида, танаффуссиз режимда фаолият юритади. Бу чет эллик корпорлар, хорижий маъфатдор компаниялари билан узлуксиз равишда алоқада бўлиш имкониятини беради.

Яна бир муҳим жиҳат — Жиззах IT-парки ҳудудидан ахборот технологиялари маркази мавжуд бўлиб, бу ерда соҳага қизиққан ҳар бир шахс ўзининг компьютер савдоҳонлигини ошириши, дастурлашни ўрганиши, мобил робототехника, киберспорт соҳасида билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаши, IT-инглиз тилини ўрганиши мумкин.

— Жиззахда IT-парк филиалини ишга туширишдан қўзланган мақсад виллоятда рақамли иқтисодиётни кенг ривожлантириш, дастурий махсулотлар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва уларга шарт-шароитлар яратиб бериш, виллоятимиз аҳолиси, биринчи галда ёшларнинг рақамли технологиялар соҳасидаги билимларини ошириш, шунингдек, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиб ҳаётга татбиқ этиш ҳисобланади, — деди муассаса очилишида виллоят ҳокими Эргаш Салиев. — Бугун ана шу эзгу ният амалга ошмоқда. Энди воҳамиз аҳли, бирин-

чи навбатда, навқирон авлод бу масканда ахборот технологиялари билан боғлиқ соҳаларда ўз истеъдодини ривожлантиришига, инновацион ва стартап лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишларига шароит бор. Бу борада уларга юқори тезлиқдаги интернет, кутубхона, робототехника лабораторияси, медиа-марказ, киберспорт ва инновацион машғуллотлар хоналари қўшимча имкониятлар яратади.

Жиззах IT-паркига ўқув ва киберспорт хоналарига ўрнатиш учун 43 та компьютер жамланмаси тортиқ қилинди. Салкам 45 қатновчиға мўлжалланган 3 та замонавий ўқув хонада қўзланган мақсадларга эришиш учун барча шарт-шароит мунҳай қилинган. Филиалда қоворкинг маркази, 45 ўринли мажлислар зали, стартап хоналари, 2 та кичик музокаравлар хонаси мавжуд. Филиал ҳодимлари ва резидентлари кенг офисда унумли меҳнат қилиши, дам олиш бурчаклари ва муъжаз қаҳвахонада бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари мумкин.

Жиззах IT-паркнинг ташкил бўлишида ҳиндистонлик мутахассис, “IT Software Technology of India” компанияси раҳбари Жаярем Партахасартнинг ҳис-

саси катта. Умумий қиймати 5,5 миллиард сўмни ташкил этган ушбу лойиҳага тамал тоши қўйилишдан тортиб, то бугунги кунгача жаноб Партахасарти ўзининг маслаҳатлари, йўл-йўриқлари билан яқиндан ёрдам бериб турди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бундан икки йил аввал Ҳиндистонга ташрифи давомида мамлакатимиз раҳбарияти билан ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорлиқни йўлга қўйишга келишиб олган эди, — дейди Ж.Партахасарти. — Ана шу келишувга биноан дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, ҳинд мутахассисларининг илғор тажрибаларини ўзлаштириш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Жиззахда ўтган кунларим давомида виллоят аҳли, аввало ёш йигит ва қизлар ўртасида ахборот технологияларга бўлган қизиқиш баланглигига амин бўлдим. Шунингдек, виллоят раҳбариятининг бу борадаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаётгани таҳсинга сазовор.

Айтиш жоизки, пойтахтда ташкил этилган биринчи IT-паркнинг доимий резидентлари орасида Жиззах виллоятининг вакиллари ҳам фаоллик кўрса-

Жиззах IT-парки ҳудудида ахборот технологиялари маркази мавжуд бўлиб, бу ерда соҳага қизиққан ҳар бир шахс ўзининг компьютер савдоҳонлигини ошириши, дастурлашни ўрганиши, мобил робототехника, киберспорт соҳасида билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаши, IT-инглиз тилини ўрганиши мумкин.

тишмоқда. Жўмладан, ушбу ҳудуднинг 5 та вакили веб-сайт ишлаб чиқиш, талабалар давоматида ка-мера ёрдамида текшириш, соғлиқни сақлаш тизимини автоматлаштириш, доменни рўйхатдан ўтказиш, юкларни етказиб бериш каби хизматларни тақдир қилмоқда. Ана шу резидентлар тўплаган бой тажриба Жиззах IT-паркнинг самарали фаолият юритишига, унинг ташкил бўлишидан қутилган натижаларга тезроқ эришишда қўл келиши шубҳасиз.

6

МАЪНАВИЯТ

“ЭЛНИНГ АДАБИ ХУШРОҚ ЭРУР ОЛТУНИДИН...”



— Сўхбатимиз аввалида айнан жорий йилда ўзбек тилига бўлган эътиборнинг кучайгани бевосита Алишер Навоий даҳосига бўлган эҳтиром билан чамбарчас боғлиқ эканига тўхталиб ўтсак. Тўғри, ҳар йили улуг шоиримизнинг таваллуд айёмини адабиёт ва маърифат байрами сифатида нишонлаб, бир қатор тадбирлар, мушоиралар ўтказиб келдик. Лекин бу тадбирлардан кўнглимиз тўлмаётган эди...

— Турк назмида чу мен тортиб алам, Айладим ул мамлакатни яққалам, — деганида Алишер Навоий ҳақ эди. Сабаби, у ўз ижоди орқали туркий миллат ва элатларни яққалам қила олди, бирлаштирди. Нафақат ўзбек тили, балки ўнлаб туркий тилларнинг бадийий жиҳатдан мукамаллик касб этишида Алишер Навоийнинг қилган саъй-ҳаракатлари беқиёс. Зотан, бир йилча илгари хорижий конференциядаги учрашув чоғида туркиялик ҳамкасбимиз: “Модомики Ер юзининг қайсидир бурчагида туркий тилдаги сўз янграг экан, бу тилда гапирувчи ҳар бир инсон Алишер Навоийдан миннатдор бўлиши шарт”, деганида ниҳоятда фахрланган эдик.

Президентимиз томонидан “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги қонун имзоланганида беихтиёр кўзимга ёш келди. Ҳозирги пайтда бу ҳақда гапириш жуда осон. Лекин биз тенги авлод ўз кўзимиз билан гувоҳ бўлганимиз ўзбек тили давлат тили бўлиш учун маърифатпарвар юртдошларимиз, шоир ва ёзувчиларимиз, зиёлиларимиз қанчалар жонфидо бўлиб курашганига. Жуда оғир кўнлар, тортишувлар, мунозаралар бўлиб ўтган. Аллоҳга шукрки, не-не инсонлар орзу қилган кўнларни кўриш бизга насиб этди.

Таъкидлаш лозимки, тил гегемонлиги учун курашни бизга Алишер Навоий бобоси бошлаб берган. Форс тили Ўрта Осиёда минг йил давомида ҳукмронлик қилган. “Еш шоирлар шеърлари катта устозлар назарига тушиши учун форс тилида ижод қилишар эди”, дейди Навоий бир асариди. Шундай бир шайроида Алишер Навоий турк тилини химоя қилиш учун катта майдонга чиқади. Ҳатто Ҳусайн Бойқорағга айтиб, ижодкорлар турк тилида ижод қилсинлар, деган мазмунда фармон чиқартиришга ҳам эришади. “Муҳокамат ул-луғатайн” асаридида турк тилини форс тили билан солиштириб, ушбу тилнинг афзалликларини очиб беради. Шунингдек, туркий тилнинг пойдевори мустаҳкам бўлиши учун 100 000 мисрадан иборат ноёб ижод намунасини биз авлодларга мерос қилиб қолдирди. “Мажолис-ун нафоис”да қайд этилишича, Навоий давридаги 400 нафар шоирнинг 30 нафаригина туркий тилда ижод қилган. Ўша давр муҳитида бу 30 нафар шоирнинг ижод қилиши осон бўлмаган. Президентимиз бежиз Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги ҳужжатни Ўзбек тили байрами кuni олдинда эълон қилмади. Бу жараёнлар мантиқан бир-бирини тўлдириб, элимиз маърифати ва маънавиятини юксалтиришда жуда катта аҳамият касб этади.

— Қарорда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида Президентимизнинг “Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида”ги қарор лойиҳасини ишлаб

чиқишдек муҳим вазифа белгиланган. Мазкур фонд ташкил этилиши билан шу пайтгача ечимини топмай келаётган қайси муаммолар ҳам бўлади?

— Айтайлик, сиз Алишер Навоий ижоди бўйича бирор янгиликни кашф этдингиз ёки бирор китоб тайёрладингиз. Нашриётга олиб борсангиз, маблаг сўрайди. Институтга олиб борсангиз, бу ерда ишлаймиз-ку, дейишади. Ёки Навоий даври билан боғлиқ бир изланиш олиб бормоқчисиз дейлик. Ана шундай кезларда балки ўша даврдаги барча асарларни ўзида жамлаган улкан кутубхонаси бор мазкур фонд бизга ёрдам берар. Демак, навоийшуносларни қўллаб-қувватлайдиган, уларнинг бошини бир жойга қорувтирадиган бир ташкилот бўлиши жуда зарур. Мен неча йиллардан буён Алишер Навоий асарлари бўйича тайёрланган ижодий ва илмий ишларни йиғиш билан шуғулланаман. Уларнинг ҳар бирини varaқлаш, ўрганиш жараёнида жуда кўп янгиликларни кашф этишингиз мумкин. Мана, яқинда Украинада “Фарҳод ва Ширин” асарини таржима қилишибди. Шунга ўхшаш асарларни жамлаган кутубхона ташкил этилиши бизга кўп маълумотларни ўрганишимизда ёрдам беради. Мазкур фонд навоийшунос олимларни бир даврага йиғиб, мунозара ва муҳокамалар юритишга имкон яратиб беришига умид билдирамиз.

Навоий ижоди орқали хорижликлар маънавиятимизни, руҳиятимизни танишади. Хорижлик бир ҳамкасбимиз: “Навоийдек буюк шоир фақат ўзбекларда бор. Унинг ижодидаги таъсириланб ёзилган ғазаллар ва асарлар ниҳоятда кўплигини кўриб ҳайратга тушаман”, деган эди.

— Шу боис, Алишер Навоий асарлари таржимага ниҳоятда эҳтиёткорлик ва ҳушёрлик билан муносабатда бўлишимиз керак. Шундай эмасми?..

— Албатта, бунинг учун эса ўзимиз Навоий даври тили ва муҳитини синчковлик билан ўрганишимизга тўғри келади. Қолаверса, илгари Навоий асарлари асосан рус тилига таржима қилинган бўлиб, 1968 йилда 10 жилдлик нашр қилинган. Мана шу нашрнинг ўзи ҳам қайта-қайта чоп этилди. Ҳозирги кунда эса кўпроқ инглиз, француз, корейс, хитой ва япон тилларига ҳам таржима қилиниши керак. Чунки ҳар бир миллат ўзининг буюк шахслари орқали дунёга танилади. Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюк шахсларимиз миллатимизни асраб турувчи кўна ва боқий илдишларимиздир. Фақат бир муаммо бор, таржима жараёнида асарнинг мазмунига таъсир қилиши мумкин. Битта тилнинг грамматикасини билгиш ўша тилни тўлиқ ўрганиш эканини англатмайди. Ўша тилда сўзлашадиган халқнинг руҳиятини ҳис қила олуш, аънава ва урф-одатларини ўрганиш жуда муҳим. Бунинг устига, ўрта аср руҳиятини бериш жуда мураккаб жараён. Шу ўринда бир ҳақиқатни айтиб ўтмоқчиман. Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидида дарс бериш жараёнида компьютерга боғланиб қолган авлодни кузатдим, уларга Навоий асарларини тушунириш осон бўлмаяпти. Бугун нафақат чет элликларга, балки ўз бола-мизга ҳам Навоий асарларини ўргатиш жуда қийин кечаяпти. Ўша замондаги мезонлар, талаблар бошқача бўлган. Демак,

биз ҳозирги авлод қалбига Навоий асарларини синдиришининг ўзига хос замонавий усулларини излаб топишимиз керак.

— Биз сўз юритаётган қарорда айни жараён борасида ҳам муҳим вазифалар киритилган. Яъни “... бешта муҳим ташаббус доирасида ёш дастурчиларни кенг жалб этган ҳолда Алишер Навоий асарларининг мобил иловаларини яратиш ва уларни ёшлар ўртасида оммалаштириш” белгиланган...

— Бугунги авлод дунёқарашни телеграм, фейсбук, инстаграм орқали оламни қабул қилишга мослашган экан, биз ана шу воситалардан ҳам ўринли фойдалана билишимиз керак. Масалан, бола телефонини очганида яхши нарсанинг, ёмон нарсанинг қизиқиби бир кўриб қўяди. Шунчаки бир қараб қўйса ҳам ўша нарса ёки маълумот секин-секин унинг онига пайтларда давра бирдан жонланиб кетади. Ва... мен ҳам гапни асосий мавзуга буриб юбораман. Гап шундаки, талаба сиз айтиб бермоқчи бўлган воқеани ўз ёнида содир бўлаётгандек қабул қилиши керак. Шундагина яхшироқ ҳис қилишга, тушунишга ҳаракат қилади. Мен ёшлар билан тенгма-тенг баҳслашиб, уларнинг ишончига кириш учун улар ёқтириб томоша қиладиган сериалларни кўришга, тинглайдиган кўшиқларини ўзимни мажбурлаб бўлса ҳам тинглашга ҳаракат қиламан. Дарс пайтида улар берган саволга ҳам жавоб бера олишим керак. “Анави машҳур кўшиқни эшитдим, менга мана бу жойлари ёқмади”, десам талабаларнинг кўзлари чақнаб: “Йў-е, сиз ҳам эшитасизми шу кўшиқни?” дея ажабланишади. Бугунги авлод бизни ҳурмат қилишини истасак, биз ҳам уларни ҳурмат қила олишимиз керак бўлади.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Ижод ақли ўз қўшиғи, шеъри ва ҳикояси билан ҳам ёшларнинг руҳиятига таъсир қила олишлари жуда муҳимдир. Шу боис, ижодкорларимиз ўз устларида кўпроқ изланишса, ўзбек тилини яхшилаб ўрганишса, жуда яхши бўлар эди. Чунки улар муомалага киритган сўзга ўз-ўзидан атрофдагиларнинг қизиқиши ҳам пайдо бўлади.

— Сиз айни пайтда Ўзбекистонга оид хорижий маданий бойликларни тадқиқ этиш марказида ҳам фаолият юритяпсиз. Мазкур марказ чет давлатларда сақланмаётган, Алишер Навоий қаламига мансуб ва у яшаган даврга оид қўлёзмаларнинг факсимиле нусхаларини мамлакатимизга олиб келиш борасида қисқа муддатда жуда катта ишларни амалга оширди. Шу кунгача мутафаккир шоиримизнинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган қайси олимлар ҳамда илмий-ижодий муассасаларнинг изланишларини таъкидлаб айтган бўлардингиз?

— Хорижда ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш бошланганига анча бўлди. Хусусан, Алишер Навоий ва унинг ижоди фарб олимларининг диққат марказига тушганидан бери бир неча аср ўтди. Афсуски, XX асрда шўро тузуми сиёсати оқибатида маънавий ва илмий алоқалар узилиб қолгани боис хориждаги ўзбек адабиёти тадқиқотчиларининг изланишларидан кўп жиҳатдан беҳабар ва бебаҳра қолдик. Эндilikда фарб олимлари ва улар яратган илмий асарлар билан танишиш имкони кенгайиб бормоқда.

Мумтоз адабиётимиз тадқиқотчиларининг кейинги юз йилдаги таникли вакиллари сифатида канадалик Мария Сабел ва Элизар Бирнбаум, германиялик Ингеборг Балдау ва Зигрид Клайнмихел, Венгриядан Бенедек Пери ва Ференч Чиркес, франциялик Марк Тоунат, туркиялик Фуод Кўпрулзода, Заки Валиди Тўғон, Камол Эраслан, Осман Серткая, Танжу Сейхан, озарбайжонлик Ҳамид Орасли, Жаннат Нагиева сингари олимларни айтиш мумкин.

Германиялик доктор Зигрид Клайнмихел ярим асрдан бери ўзбек адабиёти билан шуғулланиб келмоқда. Ўзбек тилида жуда раvon сўзлаша олишидан

ташқари, эски ўзбек тилидаги қўлёзмалар устида ҳам ишлайди. Кейинги бир ярим аср давомида Фарғона водийси ва Хоразмдаги ўзбек аёллари маросимларида ўқилган қўлёзма асарлар таҳлилига бағишланган китоби нашр қилинган. Ҳозирги пайтда у ўзбек адабиётини тадқиқ этаётган фаол олимлардан бири. Бу йўналишдаги илмий фаолиятини 1901-1934 йиллардаги ўзбек адабиётини ўрганишдан бошлаган ва шу даврдаги сўз санъатига оид китобини немис тилида чоп эттирган. 1990-2000 йилларда З.Клайнмихел Алишер Навоий ижоди бўйича мақолалар ёзди. Жумладан, “Алишер Навоий ва Аҳмад Пошо” номли бир юз ўттиз беш саҳифадан иборат тадқиқотини эълон қилган. Бундан ташқари, “Алишер Навоий ва усмонли шоирлари” номли мақоласи ҳам чоп этилган. Бу мақолаларда Алишер Навоий ижодининг усмонли турк адабиётига таъсири, Навоий асарларининг сўнгги беш юз йил мобайнида усмонли турк тилига қилинган таржималари ҳақида сўз юритилади. Олима ўзбек адабиётига доир тадқиқотларини давом эттиряпти.

Профессор Бенедек Пери эса Будапешт шаҳрида яшайди. Шарқшунослик институти директори, айни пайтда Этош Лоранд университети туркийшунослик кафедраси мудири, шу университетда инглиз, форс ва туркий тилларни ўрганган. Университетни 1992 йили тамомлаб, туркий адабий матнлар бўйича мутахассис бўлиб этишган. Мазкур туркийшунослик кафедраси Ўрта Осиё туркий матнларини ўрганиш бўйича бой аънава эга. Кафедрага 1870 йили Арминиус (Армин) Вамбери (1832-1913) асос солган. Венгер туркийшунослиги мактабига мансуб Бенедек Пери талабалик давридан бошлаб ўзбек адабиётини ўрганишга қизиққан. Шайбоний, Саққокий, Турди, Увайсий, Иззат Султон, Уйғун, Зулфия, Назир Сафаров, Саид Аҳмад каби адабиётимиз намояндалари ижоди бўйича тадқиқотлар олиб борган. Олим илмий қизиқишларининг катта қисмини ўзбек мумтоз адабиёти масаласига оид изланишлар эгаллайди. Сўнгги йилларда Бенедек Пери кўпроқ Алишер Навоий ижоди билан машғул бўлди ва мақолалар эълон қилди. Масалан, Ўзбекистонда унинг усмонли турклар султони Салим I нинг (1512-1520) форс тилидаги ғазаллари ҳақида инглизча мақоласи чиқди. Олимнинг кузатишлари қизиқарли: Навоийдан кейин яшаган султон Салим форс тилида девон тузган ва ғазалларида форс адабиёти классикларига эргашган. Айни пайтда, Навоийнинг “Девони Фоний”даги йиғирмата ғазали таъсирида шеърлар яратган. Бенедек Перининг асосий хулосаси муҳим: султон Салим ва Навоий форсий девонлари шеърларидаги ўхшашлик шунки кўрсатадики, XVI аср бошидан Навоий форсий лирикиси форс мумтоз адабиётининг бир қисми деб тан олинган. 2017 йили олим Тошкентда Алишер Навоий таваллудининг 576 йиллигига бағишланган анжуманга келганида Навоий ҳайкали пойида маъруза қилган эди. Бугунги кунда Бенедек Пери “Бобурнома”нинг можор тилига таржимаси устида ишламоқда.

— Навоий шаҳрида ўтказилиши белгиланган “Алишер Навоий ижодий меросининг башарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциядан нималарни, қандай яхши натижаларни умид қиляпсиз? Ушбу конференцияда қайси ёш навоийшунос тадқиқотчилар иштирок этишини